Ушбу сонда:

2 МАТБУОТ СЎЗИНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

3 АЛЛОМА ТЎЙИГА ТЎЁНА

4 *Футбол* БИР ЧЕТИ ОМАДГА БОҒЛИҚ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 13 октябр, жума №150 (982)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ШАРҚНИНГ БЕБАҲО ГАВҲАРИ

Бундан тўрт йил муқаддам Президентимиз 18 октябрни «Самарқанд куни» деб эълон қилган эди. Ўшандан буён мазкур сана ҳар йили нишонлаб келинади. Шу муносабат билан Самарқанддаги Зиёлилар саройида «Самарқанд - Шарқ кўзгуси» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси вилоят бўлими, шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда қадимий Самарқанд тарихи ва археологик тадқиқотлар, бу кўҳна заминда адабий муҳитнинг юксалиш тарихи, ўтган буюк алломалар ҳақида қизиқарли маърузалар тингланди.

Анжуманда шаҳар ҳокими П.Абдураҳмонов шаҳар қиёфасини янада кўркамлаштириш билан боғлиқ истиқбол режалари ҳақида сўзлади.

## ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА:

# ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

***12 октябр куни Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов кутиб олди.***



«Дўрмон» қароргоҳида бўлиб ўтган Ислом Каримов ва Леонид Кучманинг яккама-якка суҳбати чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар, халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик масалалари, минтақавий хавфсизлик, террорчилик, бошқа долзарб жаҳоншумул муаммолар хусусида сўз борди.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида, асосан, иқтисодий масалалар муҳокама қилинди.

Украина бизнинг асосий иқтисодий шерикларимиздан биридир. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми юз миллионлаб АҚШ долларини ташкил этади. Украина Ўзбекистондан, асосан, табиий газ, пахта толаси, тўқимачилик, самолётсозлик ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилса, мамлакатимиз ундан шакар, кунгабоқар мойи, қора металлургия, кимё ва машинасозлик соҳасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар импорт қилади. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 124,88 миллион АҚШ долларини ёки 1999 йилнинг шу даврига нисбатан олганда, 103,9 фоизни ташкил этди.

Шу ўринда Украинанинг айни пайтдаги иқтисодий аҳволи хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Мамлакатнинг кўп йиллар ҳукм сурган иқтисодий инқироздан чиқиши унчалик осон кечмаяпти, албатта. Бироқ ўтган йилнинг иккинчи ярмига келиб, ишлаб чиқариш пасайишини тўхтатишга эришилди. Жорий йилнинг дастлабки етти ойида эса Украинада саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши кузатилди.

Мамлакатларимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларини тартибга солиш ва ривожлантиришнинг салмоқли ҳуқуқий асоси мавжуд. Шу кунгача бу борада юзга яқин ҳужжат имзоланган бўлиб, улар мамлакатлараро муносабатларнинг деярли барча жиҳатларини қамраб олади.

1999 йилда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина раҳбари Леонид Кучма томонидан имзоланган 1999-2008 йилларда ўзаро иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб бергани билан муҳим аҳамиятга эга. Унда қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-сотиқни янада яхшилаш, маҳсулот ва транспорт транзитига кенг йўл очиш ҳамда кучайтириш каби вазифалар акс этган.

«Дўрмон»да бўлиб ўтган музокаралар сўнггида эришилган келишувлар мазкур ҳуқуқий пойдеворни янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон билан Украинанинг ўзаро ҳамкорлиги стратегик асосда қурилгани бу муносабатларнинг юксак даражада эканидан дарак беради.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Украина расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида, асосан, иқтисодий масалалар муҳокама этилди. Унда, жумладан, ГУУАМ (Грузия, Ўзбекистон, Украина, Озарбойжон ва Молдова аъзо бўлган норасмий тузилма) доирасида ҳамкорлик ҳамда Евроосиё транспорт йўлагини ташкил этиш борасида фикр алмашилди.

Евроосиё транспорт йўлагининг яратилиши ГУУАМ фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидламоқ зарур. У мазкур тузилмага аъзо мамлакатлар ҳудуди бўйлаб ҳам ўтади ва табиийки, катта фойда келтиради. ГУУАМ доирасидаги ҳамкорликнинг кенгайиши транспорт коммуникациясининг ривожига катта таъсир қилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатларимизнинг транспорт-транзит имкониятларини оширади.

«Дўрмон»даги музокаралар якунида ўнга яқин қўшма ҳужжат имзоланди. Икки мамлакат Президентлари қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, Ўзбекистон Республакаси билан Украина ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни фаоллаштириш тўғрисидаги протокол, фуқароларнинг ўзаро борди-келди шартлари, давлатларимиз ҳудудига ғайриқонуний равишда келадиган шахсларни ўзаро қабул қилиш ва топшириш, гиёҳвандлик воситалари, руҳий таъсир қилувчи моддалар ва прикурсорларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, Самарқанд ва Львов шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан Тарас Шевченко номидаги Киев Миллий университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, икки мамлакат ўртасида депортация қилинган ва Ўзбекистондан Украинага қайтиш хоҳишида бўлган шахсларнинг фуқаролиги масаласини ҳал қилишда ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аҳдлашув қабул қилинди.

Шундан кейин оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Президентлар музокараларда кўрилган масалаларда томонларнинг қарашлари бир-бирига тўла мос тушганини эътироф этди. Улар мазкур мулоқотлар, аввалги учрашувлардагидек, фойдали бўлгани ва ўзаро якдиллик руҳида ўтганини таъкидлади.

Маълумки, яқинда Бишкекда Божхона иттифоқига аъзо мамлакатлар - Россия, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг учрашувида мазкур ташкилотни Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига айлантириш тўғрисида дастлабки келишувга эришилди. Президентлар шу хусусда берилган саволга жавоб қайтарар экан, бу ҳужжат ГУУАМ фаолиятига таъсир этмаслигини таъкидладилар. Шу кунгача Божхона иттифоқининг фаолияти ҳам кутилган натижаларни бермаганини қайд этмоқ даркор. Мазкур иттифоққа аъзо давлатлар ўзларининг баъзи алоҳида-алоҳида қадамлари билан унинг амалда самара беришига тўсқинлик қилаётгани ҳам маълум.

«Дўрмон»да бўлиб ўтган музокараларнинг қанчалик самарали кечганини имзоланган ҳужжатларнинг сони ҳам кўрсатиб турибди. Леонид Кучманинг юртимизга ташрифи ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада юксалтириш Ўзбекистон учун ҳам, Украина учун ҳам жуда манфаатли эканини яна бир бор намойиш этди.

Украина Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Анвар КАРИМОВ,**
**Ғайрат САЪДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## «Соғлом авлод» жонкуярлари

***Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги арафасида республикамизнинг энг муносиб кишилари Ватан мукофотларига сазовор бўлдилар. Хусусан, Шофиркон тумани марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси, неонтология бўлими мудири Ҳамид Солиевга ҳам «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони берилди. Қуйида шифокорнинг ҳаёти ва фаолиятига оид лавҳани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.***

# ДАРДИНГ ОЛАЙ, БОЛАЖОН!

...Иш куни тугаган. Х.Солиев энди уйга кетмоқчи бўлиб турганида бирдан телефон жиринглаб қолди. Телефон гўшагини кўтардию бир неча сониядан сўнг бирдан сергакланиб: «Ҳозир етиб бораман», деди.

— Ярим соатча аввал туғилган чақалоқнинг аҳволи таҳликали, онаси ҳам анча зўриққан. Шу сабабли сизни чақиришга мажбур бўлдик, — деди туғруқхона ҳамшираси.

У то ярим тунгача туғруқхонада қолиб кетди. Гўдак ҳаётини сақлаб қолиш учун бор имкониятини ишга солди. Чақалоқ ва онанинг аҳволи анча яхшилангач, палатага кўчирилди. Қўшимча муолажалар қилинди. Ана шундан кейингина Ҳ. Солиевнинг кўнгли жойига тушди. Аслида бундай кун тартиби унинг учун доимий одат, касб ва ҳаётий заруратга айланиб қолганди.

Дарвоқе, ёши эндигина қиркдан ошган Ҳамиджон аслида бундай серташвиш касбга қандай келиб қолган?

У гўдаклик даврида касалликка тез-тез чалиниб турарди. Етти ёшида эса оғир хасталикдан бутунлай фориғ бўлган. Шунда муштипар волидаси Маҳтоб буви оқ халатли кишиларни роса алқаб, кўзларида қувонч ёшлари билан: «Умрингдан барака топ, қўлинг асло дард кўрмасин, дўхтир болам!», дея дуо қилган. Ўша ҳолат доимо кўз ўнгидан нари кетмади. Шу-шу турса ҳам, юрса ҳам шифокорлик касбига иштиёқи оша борди. Пировард натижада ўқиб, ўрганиб, шу соҳанинг жонкуяр мутахассиси бўлиб етишди. Устозлари — СамМИ профессори А. Ҳамроев, Бухоро вилоят болалар касалхонаси ҳакимлари Шаҳодат Атоева, Асрор Шамсиддиновларнинг «Болаларсиз инсонда умид, келажакка интилиш бўлмайди. Мудом уларни асраш, меҳр кўрсатиш зарур» деган ўгитларини қалбига жо қилди. Олий даражали болалар шифокори сифатида дастлаб Жўйнов қишлоқ касалхонасида иш бошлади. Сўнгра фаолияти кенгайиб бораверди.

Ҳамид Солиев касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида ҳам муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, участка ҳамширалари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Биз унинг касаба уюшмаларига оид фаолияти билан қизиққанимизда у қуйидагиларни гапириб берди:

— Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғи деганларидек, ҳаётда кўнгилсиз воқеалар ҳам учраб туради. Бундан тўққиз йил аввал йўл ҳаракати қоидалари қўпол равишда бузилганлиги оқибатида автофалокат содир этилиб, у икки киши ҳаётига зомин бўлди. Фаолларимиз уларни ёлғизлатиб қўймади. Ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан мадад бериб турдик. Ҳали-ҳануз марҳумлар оила аъзоларидан мунтазам хабар олиб турамиз. Баҳоли қудрат ўксик кўнгилларини овламоққа ҳаракат қиламиз. Ҳа, дарвоқе, фикримизга ҳамоҳанг бир неча хат билан танишишингиз мумкин.

У шундай деди-ю, столдаги ҳаворанг папкадан бир даста мактубларни олиб, қўлимизга тутқазди. Улардан бирини марҳум ҳаким И. Холмуродовнинг умр йўлдоши Ҳурматой Қаршиева битган экан.

«— Мен, — дейиларди унда, — шифохона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси вакилларининг умр йўлдошимни ҳар доим эслаб туришларидан, 5 нафар фарзандимни оёққа турib кетиши учун кўрсатаётган моддий ва маънавий ёрдамларидан ғоят миннатдорман. Шундай меҳр-оқибатли одамлар бор экан, юкимиз ҳеч қачон ерда қолмайди...».


(Давоми-2 бетда)


## УЧ ЭГИЗАК

*Китобдаги 76-автожамланма ҳайдовчиси Солиҳ Камолов ва шаҳар агрофирмаси ишчиси Хайринисо Шарипова хонадонида бир йўла уч эгизак - Фотима, Зуҳра ва Ҳасан дунёга келди.*

*Камоловлар оиласини табриклаш учун улар хонадонига биринчи бўлиб Болалар жамғармаси вилоят бўлими ва «Зафко» Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонаси вакиллари ташриф буюрди. Эгизаклар ва уларнинг ака-опаси - Бобуржон ҳамда Ферузахонга кийим-кечак ва ўйинчоқлар совға қилинди.*

**(ЎзА).**

## ИПАК ЙЎЛИ - МУЛОҚОТ ЙЎЛИ

Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва хорижий сармояларни жалб этиш, миллий-маданий қадриятларни жаҳонга тарғиб қилишда туризм муҳим омил саналади. Бу борада халқаро миқёсдаги ҳамкорликнинг кенгайиши тобора катта аҳамият касб этмоқда. Сайёҳлик тизими тараққиётига ҳукуматимиз томонидан улкан эътибор қаратилаётганининг асосий сабаби ҳам шунда. Юртимиз туристик имкониятларини дунёга намойиш этиш, халқаро сайёҳлик соҳасида ер куррасининг энг нуфузли компаниялари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориш миллий туризм ривожи учун янада кенгроқ йўл очади. Таъкидлаш жоизки, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури соҳани янги босқичга кўтариш, унга хорижий сармояларни жалб этиш борасида асосий дастуриламал бўлмоқда.

«Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган «Ипак йўли бўйлаб туризм» олтинчи халқаро туристик ярмаркасининг тантанали очилиш маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ватанимиз истиқлоли Шарқ ва Ғарб ўртасидаги мустаҳкам ришта саналган Буюк Ипак йўлини тиклаш имкониятини яратганини алоҳида таъкидлади. Очилиш маросимида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Франческо Франжиалининг анжуман иштирокчиларига табриги ўқиб эшиттирилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда

***Шу кунларда мамлакатимизда қатор қонунлар умумхалқ муҳокамасидан ўтмоқда. Улар орасида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси /биринчи ўқишда/ ҳам бор. Ушбу Лойиҳа бўйича республика қонунчилиги механизмини такомиллаштиришга хизмат қиладиган қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда.***

# ҚОНУНЧИЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ - МУҲИМ МАСАЛА

Тошкент Давлат юридик институтининг профессори Зайниддин Исломов ЎзА мухбири билан суҳбатда ушбу қонун лойиҳаси бўйича қуйидаги фикрларни билдирди:

- Муҳокамага қўйилган ушбу қонун лойиҳасининг нечоғли долзарб ва муҳим эканлиги шундоқ ҳам аён. Бунинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, ушбу масалага Президент Ислом Каримов, айниқса жиддий эътибор қаратмоқда. Чунончи, давлатимиз раҳбари биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Қонунчилик механизмини ва қабул қилинган қонун меъёрлари ижроси назоратини янада такомиллаштириш, республика қонунларини умум-эътироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларга мувофиқ ҳолга келтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шуни эътироф этиш керакки, қонун лойиҳалари одатда идоравий маҳдудлик хусусиятига эга бўлади. Сабаби шуки, улар моҳият эътибори билан олганда, шу қонунларни ижро этиши лозим бўлган кишиларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилади. Натижада айрим вазирликлар, идораларнинг манфаатлари кўпинча инсон ва умуман олганда жамият манфаатларига зид ҳолда биринчи ўринга чиқиб қолади.

Айрим қонунчилик ҳужжатларининг йўқлиги, борларининг ҳам гоҳо нотўғри, қонунга хилоф тарзда талқин қилиниши баъзи қонунларнинг самара бермаётганига сабаб бўлмоқда. Қонунчиликнинг мавжуд тартиботидаги жиддий камчиликни ана шунда деб биламан.

Қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг пухта ишлаб чиқилган стратегияси ва тизими йўқ.

Қонунчилик ҳам ўз стратегиясига эга бўлиши керак. Қабул қилинаётган қонунлар баъзан экспертизадан ўтказилмаяпти. Шундан сўнггина биз, жаҳон андозаларига мос қонун қабул қилдик, дея оламиз.

Қабул қилинаётган қонунларни экспертизадан ўтказиш тартиби йўлга қўйилмаган. Қонунларни, Олий Мажлис ва ҳукумат қарорларини республика аҳолиси, ижрочилар эътиборига ўз вақтида етказишнинг самарали тизими вужудга келтирилмаган. Қабул қилинган қонунларни рўёбга чиқариш механизмлари яхши ишламаяпти».

Президент Ислом Каримов нутқида қонунчилик соҳасида таклиф этилган аниқ ва пухта ўйланган фаолият дастури баён қилинган. Ўйлайманки, ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда юқоридаги кўрсатмалар асос бўлиб хизмат қилган. Шубҳасиз, кенг кўламли иш амалга оширилди. Бироқ, лойиҳа айрим, баъзи ўринларда муҳим камчиликлардан холи эмас.

Фикримча, лойиҳа преамбуладан бошланиши керак эди. Унда «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг мақсадлари ва вазифалари қисқача баён этилиши ҳамда унинг долзарблиги кўрсатилиши лозим эди. Яъни, 1-модда янги таҳрирда берилиши керак. Бу - биринчи мулоҳаза.

Иккинчидан, қонун лойиҳасининг 2-моддаси, менимча етарли даражада аниқ эмас. У қуйидаги таҳрирда берилиши керак: «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар - бу ҳуқуқий меъёрларни ўрнатувчи ҳуқуқ субъектларининг кўрсатмаларидир».

Учинчидан, бизнингча, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уч асос бўйича - юридик кучи, амал қилиш доираси ва уларни чиқарувчи субъектлар бўйича таснифи келтирилган яна бир модда киритилиши керак. Бу йўл билан мавжуд қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари ажратиб кўрсатилади.

Тўртинчидан, 3-модда матнига «қонунчилик» сўзидан сўнг «Конституциянинг» сўзи киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яъни, жумла қуйидаги таҳрирда берилиши керак: «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунчилик Конституциядан, мазкур Қонундан ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат» -давоми матн бўйича.

Бешинчидан: ушбу лойиҳанинг 4-моддаси ҳам янги таҳрирда берилиши керак. Унда «ёки мансабдор шахслар /давоми - органлар/ томонидан» сўзлари олиб ташланиши керак. Ёки қонун бўйича мансабдор шахслар деганда кимлар тушунилишига изоҳ бериш керак. Чунки давлат хизматчилари ҳақида қонун қабул қилинмаган. Юқоридаги модда қонунчилик тизимида бўшлиқни вужудга келтириши мумкин.

Олтинчидан: 6-моддада «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагилар киради» сўзларидан сўнг ушбу жумла киритилиши керак: а/ Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар; шунингдек, рўйхатни қуйидагича давом эттириш керак - з/ маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари қарорлари; и/ нодавлат тузилмалари, ноҳукумат ва жамоатчилик ташкилотлари.

Шунингдек, мазкур лойиҳанинг 3-бобига қонунчилик ташаббуси ҳақидаги модда киритилиши /ёки мавжуд 15-моддани тўлдириш/ керак. Шунда ҳар қандай қонун лойиҳасини тайёрлашга оид ташкилий ишлар тушунарли бўлади.

Лойиҳа моддалари ҳақида фикр юритганда, 16-модда матни таҳрирбоп эканлигини қайд этиш керак. Ушбу модда қуйидаги таҳрирда берилиши мумкин: «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш амалиётини эътиборга олиш». Давоми матн бўйича.

18-модданинг «Юридик экспертиза давомида...» сўзлари билан бошланадиган хат бошида «қоидаларга» сўзидан аввал «юридик» сўзи тушириб қолдирилган.

Ўйлайманки, таклиф ва мулоҳазаларимиз қонун лойиҳаси кўриб чиқилиши жараёнида инобатга олинади.

**Турсунбой БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Обуна — 2001

# МАТБУОТ СЎЗИНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

**Косон туманидаги 21-очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзолари «Ишонч» газетасига 30 нусхада обуна бўлишга қарор қилдилар**



Ҳаётимизни газета ва журналларсиз тасаввур этиш қийин. Севимли нашрларимизни бир-бир варақлар эканмиз, мустақил Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, эришилаётган муваффақиятларни қалбдан ҳис қилиб, ўзгача куч, ғайрат-шижоат билан ишга киришамиз. Бозор муаммоларини ҳал этиш, ишлаб чиқаришни давр талаблари даражасида ривожлантириш, ҳақ-ҳуқуқимизни теранроқ англаш ва ҳимоя этишда бошқа матбуот нашрлари қатори «Ишонч» газетасининг ҳам ёрдами катта бўляпти. Хусусан, «Ҳуқуқий маслаҳатхона»ни мунтазам кузатиб борамиз. Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси, меҳнат интизоми, ишчи-хизматчиларга имтиёзлар бериш масалаларига бағишланган мақолаларнинг нафи катта бўляпти. Ҳар жума кунги анъанавий «Навоийхонлик» ҳам ишчи-хизматчиларимизга маъқул тушмоқда.

Кези келганда, газета вилоятимизда иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳақида ҳам таҳлилий мақолалар бериб боришини истаймиз. Дўст ачитиб гапиради ахир. Кези келганда айтишим лозимки, аҳил жамоамиз белгиланган вазифаларни муваффақиятли уддалаб келмоқда. Паркдан фойдаланиш коэффициенти, енгил таксиларни ишга йўналтириш, барча ерда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Ишдаги интизом, кўпмиллатли кишилар ўртасидаги ҳамкору ҳамжиҳатлик ютуқлар гаровидир. Режалар бажарилиб, иқтисодиёт мустаҳкамланаётганлиги боис, муаммолар ҳам бирин-кетин ҳал этилмоқда. Бозор талаби қатъий. Биз боқимандалик кайфиятидан бутунлай ҳалос бўлишга ҳаракат қиляпмиз. Изланиш, ташаббускорлик, янгича иш усулларини амалиётга дадил жорий этиш бугунги кун шиори эканлигини яхши англаймиз. Корхона касаба уюшма қўмитаси ҳайдовчилар, ходимлар меҳнатини муносиб тақдирлаш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширяпти. Ярим йиллик якунлари бўйича Ғ.Жабборов, М.Султонов, З.Шоимов, Р.Ҳамроев каби зарбдорлар пул ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Жамоамизда 300 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият юритади. Уларнинг кўпи спорт ишқибози. Севимли рўзномамизда «Спорт - соғлом авлод хизматида» саҳифаси бериб борилаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Фақат бу борада олис қишлоқларда қандай ишлар амалга оширилаётганлиги, иқтидорли курашчилар, чавандозлар ҳақида лавҳа-очерклар ҳам ўқишни хоҳлаймиз. Жамоамиз билан келишган ҳолда келаси йил учун «Ишонч» газетасига 30 нусхада обуна бўлишга қарор қилдик.

**Ҳамза АСАДОВ,**
**ҳиссадорлик жамияти раиси.**

*Мухбиримиз бонг уради*

# ОБУНАЧИ ҲИСОБИДАН ҲОТАМТОЙЛИК

***Жиззах вилоятидаги хўжаликларда бўлганимизда, одамлар матбуотнинг ҳаётимиздаги ўрни, уларда чоп этилаётган долзарб мавзулардаги мақолалар хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олган хўжаликлар, корхона-ю ташкилотлар уруш ва меҳнат фахрийлари, ёрдамга муҳтож оилаларни ўз ҳисобларидан матбуот нашрларига обуна қилаётганликларини мамнуният билан таъкидладилар.***

Вилоятда 2001 йил учун обуна ишлари чиндан ам қизғин бормоқда. Аксарият жойларда муҳим ишда ҳозиржавоблик кўрсатилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштириляпти. Биз «Жиззах почтаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлдик. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози» каби газеталарга ёзилаётганлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Рақамларга кўз югуртирамиз. «Ишонч» газетасига биз борган кунгача 50 нусхада обуна бўлинибди. Газетхонлар таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, обуна нархи билан қизиқдик. Таажжубки, «Ишонч» «турар-жой манзилига»ча 20.112 сўм қилиб белгиланган. Ҳайратланганлигимиз боиси, Жиззахга нисбатан узоқроқ масофада жойлашган Қашқадарё, Андижон, Навоий, Наманган вилоятларида бу рақам 17.756 - 18.208 сўмни ташкил этади-да. Обуна нархи бу ерда нега нисбатан қиммат?

Корхона директорининг ўринбосари Ҳ.Алибоевга шу савол билан юзландик. Унинг таъкидлашича, ўтган икки йил давомида даврий нашрларни тарқатиш тарифи кўтарилмаган, яъни «манзилга»ча элтиб бериш 8 сўм 50 тийинни ташкил этган. Аммо бугунга келиб... Мутасаддилар «боре, кетса обуначидан кетибди-да», дея келгуси йил учун бу рақамни 30 сўм қилиб белгилашибди. Изоҳлар, баҳоналар кўп. Жумладан, директор ўринбосари ҳам, бош иқтисодчи Т.Коркина ҳам жамоада 500 дан зиёд киши меҳнат қилаётгани, ходимларнинг ойлик маоши камлиги, уларга уч йилдан буён дивидент тўланмаётганлиги, қолаверса, транспорт харажатлари ортиб бораётганлигини рўкач қилишга уринишди.

Бозор шароити ҳар бир раҳбару мутахассисдан изланиш, омилкорлик ва ташаббускорлик кўрсатиб ишлашни талаб этмоқда. Ички имкониятларни ишга солиш, илғорлар тажрибасини қўллаш орқали иқтисодиётни юксалтиришнинг синалган омилларидан унумли фойдаланиш лозим. Шундагина боқимандалик кайфиятидан халос бўлинади, муаммолар ечимини топади. Ҳиссадорлик жамияти иш фаолиятини синчиклаб ўрганарканмиз, худди ана шу фазилатлар етишмаётганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Шу ўринда бир мисол. Жорий йилнинг 1 январигача «Жиззах почтаси» корхонаси ҳукумат қарорига кўра қўшимча қиймат солиғидан озод бўлиб келган. Бош иқтисодчи бизга бир ҳужжатни тақдим этди. У вилоят ҳокимининг шу йилнинг 11 майида қабул қилган «Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бўлиб, унда «Жиззах почтаси» ва унинг бўлимлари 2000 йилнинг 1 майидан бошлаб 2003 йил 31 декабргача ялпи даромаддан 5 фоиз миқдорида солиқ тўлайдилар ҳамда ялпи даромаддан «Ягона йўл» жамғармасига 0,5 фоиз миқдорида маблағ ажратадилар» деб, аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Ажабланарлиси шундаки, Жиззах шаҳар солиқчилари мазкур қарорни эътиборга олмай, солиқни тўлиғича ундириб олаётган эканлар. Бу ҳақда корхона маъмурияти Жиззах шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғига бир неча бор мурожаат қилган бўлса-да, унга ҳанузгача бирон тайинли жавоб олингани йўқ... Бир чети «эътироз хати ёзганмиз, бироқ унга муносабат билдирилмаяпти», деб қўл қовуштириб ўтириш тўғримас. Масала мутасадди ташкилотлар олдига кўндаланг қўйилганда, шу пайтгача албатта ҳал бўларди.

Қарангки, «Жиззах почтаси»дагилар энг осон, бироқ нотўғри йўлдан бориб, хизмат кўрсатиш нархини сунъий равишда ошириб, обуначи ҳисобидан ҳотамтойлик қилишган. Бу эса ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Ажаб, Жиззах вилоят ҳокимлиги бу ҳақда қандай фикрда экан?

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Австрия пойтахти Венада «Марказий Осиё: кеча, бугун, келажак» мавзусида Европа жамияти (ESCAS)нинг навбатдаги VII конференцияси бўлиб ўтди.**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ҚИЗИҚИШ

Бу қизиқиш бежиз эмас. Чунки ESCAS жамияти кўп йиллардан буён ушбу масалада илмий-тадқиқот ишлари олиб боради. Конференцияни очиш маросимида таъсисчилар — Австрия ташқи ишлар вазири, Вена университетининг ректори, ижтимоий ва маданий антропология институти вакили ва ESCAS ташкилоти президенти маъруза билан иштирок этишди.

Анжуман бешта шўъбадан иборат бўлиб, Марказий Осиёда миллий ва давлат қурилиши, маданият соҳасидаги миллий ва глобал масалалар, ижтимоий-иқтисодий муаммолар қамраб олинди. Айниқса, ўзбек тили, урф-одатлар, этнография, миллий мустақиллик учун кураш жараёнлари тўғрисидаги маърузалар кўпчиликка манзур бўлди. Истиқлолдан кейинги сиёсат, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар бўйича чиқишлар анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Кези келганда, ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Франция, Италия, Австрия, Швеция, Нидерландия, Буюк Британия каби давлатлардан вакиллар қатнашган бу галги анжуманда Ўзбекистон делегациясининг кўп сонли бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти, Шарқшунослик, Тил ва адабиёт институти, Иқтисодиёт университетлари томонидан тайёрланган, мамлакатимизнинг қадимий тарихи, маданияти, тарихий обидалари (туризмга оид материаллар), ҳозирги даврдаги ижобий ўзгаришлар хусусидаги маърузалар чуқур қониқиш билан қабул қилинди.

Делегациямиз аъзолари анжуман якунида ESCAS ишини янада фаоллаштириш, унинг айрим семинарларини Тошкентда ўтказиш истакларини билдиришди ва бу таклиф қизғин маъқулланди. Жамиятнинг навбатдаги саккизинчи конференциясини 2002 йил Парижда ўтказишга келишиб олинди.

Ўтказилган анжуман ва истиқбол режалари шакшубҳасиз Марказий Осиёга бўлган қизиқишнинг дунё миқёсида тобора ортиб бораётганлигини яна бир бор тасдиқлади.

**Абдухалил РАЗЗОҚОВ,**
**профессор.**

*Касаба уюшма ҳаёти*

***Шаҳрисабз мебел ҳиссадорлик жамияти кейинги йилларда қолоқ корхоналардан бирига айланиб қолди. Кўпгина ташкилотлардан қарздорлик натижасида цехларни хомашё билан таъминлаш издан чиқди. Ишчилар уч-тўрт ойлаб иш ҳақи олишолмади. Хуллас, корхона охир-оқибатда санацияга тушди.***

# ЎНГЛАНИШ

Шаҳрисабз туман ҳокимлиги корхона фаолиятини яхшилаш мақсадида ёш мутахассис, ишбилармон Қаҳрамон Исмоиловни ташқи бошқарувчи этиб тайинлади. Тадбиркор раҳбар касаба уюшма қўмитаси раиси Тўлқин Тўраев билан ҳамкорликда жамият фаолиятини пухта ўрганиб, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш чораларини белгилади. Корхонани оёққа турғазиш, ишчиларни самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан икки томонлама шартномалар тузилди.

Цехларни бошқаришга тажрибали мутахассис кадрлар жалб эилди. Техника ва дастгоҳлар тубдан қайта таъмирланди. Тошкент шаҳридаги «Файз» холдинг компанияси билан яхши алоқа ўрнатилиб, хомашё олиб келишни мунтазам йўлга қўйиш масаласи ҳал этилди. Кунлик, ойлик иш якунлари касаба уюшма қўмитаси йиғилишида муҳокама этилиб, камчиликлар ўз вақтида тугатилди. Илғорлар мукофотлаб борилди. Амалий тадбирлар яхши самара бера бошлади. Харидоргир стол, стул, мактаблар учун парта, диван, сервант, мебеллар мажмуи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Буюртмалар кўпайиб, жорий йилнинг биринчи чорагидаёқ корхона маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича туманда пешқадамлар сафидан ўрин олди.

Корхонада жорий йилнинг 8 ой шартномавий режаси 287,7 фоизга бажарилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан 4 баробар ортди.

Корхонада айниқса халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилди. Жорий йилнинг саккиз ойи режаси 306,8 фоизга бажарилгани фикримиз далилидир. Иш ҳақи ўсиб борди.

Тўра Алиқулов бошқараётган мебел ишлаб чиқариш цехи жамоаси муваффақиятларга катта ҳисса қўшди. Касаба уюшма қўмитаси аъзоси Ғайрат Тошев етакчилик қилаётган ёғочни қайта ишлаш цехида эса 8 ойда 708 минг сўм ўрнига 7 миллион 246 минг сўмлик иш бажарилди. С.Халиловнинг саъй-ҳаракати билан металл цехи янгидан ташкил этилиб, унда 15 турдаги буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти ўз маҳсулотларидан махсус кўргазмалар хонаси ташкил этган. Буюртмачилар керакли буюмларни шу ернинг ўзида танлаб олишмоқда. Касаба уюшма қўмитаси раиси бошчилигидаги сифат комиссияси маҳсулотлар сифатини қатъий назорат остига олган.

Корхонада ҳозирги вақтда 76 нафар касаба уюшма аъзолари меҳнат қилишмоқда. Уларни ижтимоий ҳимоялаш, ойлик иш ҳақини ўз вақтида бериб боришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилда ишчиларга касаба уюшмаси қарори билан 49 минг сўмлик моддий ёрдам уюштирилди. 135 минг сўм пул мукофотлари берилди. Учинчи чоракда ҳар бир ишчига 8 минг сўмдан дивиденд бериш режалаштирилди.

Корхона ҳузурида новвойхона, сартарошхона, чойхона ишлаб турибди. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси келгусида маҳсулотларни жаҳон андозалари меъёрига етказиб, чет эл сармоядорлари билан иш олиб бориш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этмоқда.

**Хайрулла ТЎРАЕВ.**

# ДАРДИНГ ОЛАЙ, БОЛАЖОН!

**(Боши-1 бетда)**

Хат мазмуни таъсирида бир неча дақиқа ўйга толдик. Навбатдаги саволларимизга у шундай жавоб қайтарди:

— Айни пайтда марҳумлар хотирасини абадийлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Кўпгина тадбирларимиз, хотира турнири мақомини олган спорт мусобақаларига тобора қизиқиш ортмоқда. Бу турнирларга уларнинг оила аъзоларини таклиф этамиз. Мазкур тадбирларнинг ҳар бирига 65-70 минг сўм атрофида маблағ сарфлаймиз.

Кейинги икки йилда ишловчи ходимларимиз касаба уюшма қўмитаси томонидан 123 минг сўм ҳамда шифохона маъмурияти ҳисобидан 4 миллион 300 минг сўм миқдорида моддий рағбатлантирилди. Қишлоқ жойларида яшовчи ва ишловчи ходимларга электр энергия, ёнилғи ва маиший хизмат имтиёзлари учун 6 миллион 410 минг, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш учун салкам 1 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Умуман олганда, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш тадбирларига шифохона бюджетидан ҳар йили 10-12 миллион сўм ажратилмоқда. Бу ходимларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитини яхшилашда ўз самарасини бераётир.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Ҳ. Солиевнинг ташаббуси билан оналар ва болалар соғлиғи муҳофазасини янада жонлантириш мақсадида ҳомийлик ёрдами ташкил этилди. Иқтисодий жиҳатдан бақувват ташкилот, корхона ёки ривожланиш йўлига тушиб олган тадбиркорлар бундай тадбирни бажонидил қўллаб-қувватламоқдалар. Натижада беморларни жадал муолажа қилиш, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлаш имконияти яратилаётир.

Хуллас, болажон, ташкилотчи, ўз касбининг ҳақиқий жонкуяри Ҳамид Солиев ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Мухтасар қилганда унинг эзгуликка йўғрилган кўп йиллик фаолияти ҳар жиҳатдан ибратлидир.

...Тажрибали шифокор, касабақўм сардори Ҳ. Солиев иш кабинетидан энди чиқаётганда яна телефон жиринглаб қолди...

**Абдунаби МАННОПОВ,**
**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**



Қува тумани бўрдоқичилик ҳиссадорлик жамиятининг айни кунлардаги фаолиятидан қувониш мумкин. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур жамият туман чорвадорларига зотдор ғунажинлар етиштириб беришга ихтисослаштирилган.

357 нафар ишчи чорва молларини парваришлаш борасида самарали меҳнат қилмоқда. Бунинг учун уларга кўнгилдагидек шароит мавжуд. Жорий йил улар туман хўжаликларига 100 бош зотли ғунажин етиштириб беришни ва 100 миллион 510 минг сўм ялпи даромад олишни режалаштирганлар.

**Суратда: Жамият раиси Қурбонали Шарипов эришилган натижаларни таҳлил этмоқда.**

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Бир хат изидан*

# БОШ ҲАКИМ ВАЗИФАСИДАН НЕГА ЧЕТЛАТИЛДИ?

***Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси касабақўм йиғилишини қўмита раиси Расул Олимов очиб, кун тартибини эълон қилганда йиғилганлар ҳангу манг бўлиб қолишди.***

***Бошқарма бошлиғи С.Цой муовинлари О.Нурметов ва Ш.Оллабергановни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-модда 4-бандига биноан вазифасидан озод қилиш ҳақида касабақўм розилигини сўраб ёзма равишда мурожаат этган эди.***

Шуни таъкидлаш лозимки, иккала муовин ҳам ўз касбининг билимдони бўлиб, иш фаолиятлари давомида ҳалол ва виждонан ишлаб келишаётганди. Шу боис, касабақўм аъзолари хатни атрофлича муҳокама қилиб, О.Нурметов ва Ш.Оллабергановнинг юқоридаги модда билан ишдан бўшатилишига розилик беришмади. Бу йиғилиш шу йилнинг 16 май куни бўлиб ўтди.

С.Цойнинг талаби билан орадан икки кун ўтгач, бошқарма бошланғич касаба уюшма ташкилотининг кенгайтирилган йиғилиши чақирилди. Унда 35 нафар касаба уюшма аъзоси иштирок этди. Кун тартибига яна юқоридаги масала қўйилди. Касаба уюшма аъзолари бирин-кетин сўзга чиқишди.

Х.Дўсчонов: Маъмурият ва ходим ўртасида меҳнат низоларини тартибга солувчи Меҳнат Кодекси мавжуд. Шу Кодекснинг 181-моддасида агар ходим ишда камчилик содир этса, унга кўрилиши лозим бўлган интизомий жазо белгиланган. Ана шундан кейингина уни вазифасидан озод этиш мумкин.

М.Раҳимов: Туппа тузик ишлаб келган раҳбар кишилар тақдирига юзаки қараб бўлмайди. Ҳаммаси қонуний бўлсин.

Йиғилишда А.Машарипов, М.Эсенов, А.Ёқубов, Г.Йўлдошев ва бошқалар ҳам сўз олиб, бу иш адолатдан эмаслигини таъкидладилар. Шундай қилиб бошқарма касаба уюшмаси кенгайтирилган умумий йиғилиши бошлиқнинг сўровномасига бир овоздан рад жавоби берди.

Кейин билсак, бошқарма бошлиғининг ҳар иккала муовинини Меҳнат Кодексининг 100-модда 4-банди бўйича вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги буйруғи 11 майда, яъни касабақўм розилигисиз чиқарилган экан. Орадан тўрт кун ўтгач, бошлиқнинг эсига буйруқни қонунлаштириш тушган шекилли, касабақўм розилигини сўраб хат ёзган. Йиғилиш қайта-қайта ўтганига қарамай, жамоа оқни қорага чиқармади. Иккала ўринбосар ноҳақ ишдан бўшатилишининг олди олинди. Касабақўм уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилди. Орадан тўрт кун ўтгач бошқарма бошлиғи ўз буйруғини ўзи бекор қилиб, О.Нурметов ва Ш.Оллабергановни вазифасига тиклади. Буйруқда улар мажбуран ишламаган 4 кун учун иш ҳақи тўланиши кўрсатилди. Бошлиқ бу ерда яна хатога йўл қўйди. Яъни, ўз чўнтагидан эмас, балки давлат ҳисобидан ҳотамтойлик қилди.

— Вилоят шифохонасининг урология бўлими мудири бўлиб ишлаётган эдим. Бошқарма бошлиғининг муовинлигига тайинлашди, - дейди О.Нурметов. - Вазифамни ҳалол, виждонан бажариб келаётгандим. Лекин бошқарма бошлиғи ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ, деб асабларимни жуда чарчатди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи С.Цойнинг ғалати «ўйин»лари шу билан тугамади. У кардиология диспансерини кенгайтириш баҳонасида у ерда бош врач бўлиб ишлаб юрган тажрибали олим Б.Йўлдошевни ҳам вазифасидан озод қилди. Б.Йўлдошев диспансерда 9 йилдан буён ҳалол ишлар, вазифасини бекаму-кўст бажариб келарди.

«Бошқарма бошлиғи Меҳнат Кодекси қоидаларига риоя қилмаган ҳолда мени штат қисқартириш баҳонаси билан ишдан бўшатди. Ҳақиқатда штат қисқармади, раҳбарнинг ташаббуси билан бош врач лавозими марказ директори деб юритила бошланди. Бу лавозимга менинг қўл остимда ишлаб келаётган бўлим мудири А.Сагировни тайинлади. Нафақага чиқишимга олти ой қолганда ишдан бўшатилишим мени ниҳоятда ранжитди», деб ёзади Б.Йўлдошев.

Қизиқ, ҳужжатлар билан танишсак, учала раҳбар ходимнинг бўшатилиши бир кунга, яъни 11 майга тўғри келяпти.

Майли, юрак касалликлари диспансери кенгайтирилсин. Диспансер эмас, марказ деб юритилсин. Лекин кардиология бўйича билимдон мутахассис ва ташкилотчи раҳбарни вазифасидан четлатиш кимга керак бўлиб қолди?

Б.Йўлдошев ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қила бошлади. У дастлаб вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси номига ариза берди. Кенгаш ҳуқуқшунослари ишни пухта ўрганиб чиқиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи С.Цой номига хат юбориб, Йўлдошевни вазифасидан озод қилишда қонун бузилишларига йўл қўйилганлигини кўрсатдилар.

Раҳбар эса ўз хатосини тан олишни истамади.

Хоразмда экологик аҳвол ёмонлиги туфайли аҳоли ўртасида турли хил касалликлар озаймаяпти. Бу эса тиббиёт соҳасига эътиборни янада кучайтиришни талаб этади. Борис Йўлдошев 35 йил оқ халатига гард ҳам юқтирмай, сидқидилдан ишлади. Шу давр мобайнида биророта ҳам жазо олмаган. Шундай экан, нафақага чиқишига олти ой қолганда штат қисқартириш баҳонасида унинг вазифасидан четлатилиши адолатданми?

Агар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси касабақўмидан ўрнак олиб, юқоридаги мисолда таъкидланганидек, ходимлар ҳуқуқи қатъий туриб ҳимоя қилинганда, тиббиёт ходимларининг ноҳақ ишдан бўшатилишларига чек қўйилган бўлармиди?!

**Эркин ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# АЛЛОМА ТЎЙИГА ТЎЁНА

Тарихи билан фахрланган, ўзини ҳурмат қилган халқ аждодлар хотирасини эъзозлайди, абадийлаштиради, келгуси авлодларга бой мерос қолдиришга интилади.

Ҳа, ўтмишимиз, жаҳонга танилган бобокалонларимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Улар ғururимиз, улуғ мақсадларимиз амалга ошишида бизга йўл кўрсатувчи маёқ юлдузимиз.

Шуниси қувончлики, мамлакатимиз истиқлолга эришгач ҳар йили алломаларимиз руҳини шод этиб албатта бирор катта тўй ёки халқаро анжуман ўтказилади. Ҳозирда ислом оламининг ҳуқуқшунослик илми асосчиси Бурхониддин ал-Марғиноний ар-Рошидоний таваллудининг 910 йиллиги тантанасига қизғин ҳозирлик кўрилаяпти.



Дарҳақиқат, улуғ муҳаддис туғилиб ўсган Риштон ҳам юртимизнинг табаррук қадамжоларидан ҳисобланади. Унга кўркам фавворалар, замонавий атракционлар файз бахш этиб турибди. Шунингдек, айём арафасида Бурхониддин ал-Марғиноний ар-Рошидоний қабри тўла таъмирланди. Риштонда истироҳат боғи барпо этилаётир. Кўчалар ободонлаштирилиб, йўллар созланаётир. Бир сўз билан айтганда Риштон янада кўркамлашиб чирой очмоқда. Бунга тумандаги 78 ҳамда 85-махсус механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**Суратларда: аллома номи билан аталувчи истироҳат боғи қурилишида.**

**Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**





# ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

## «ЭЙ КЎНГУЛ, ТАН ТАХТАСИН...»

**Эй кўнгул, тан тахтасин бу**
**қаъри йўқ гирдобдин**
**Истасанг соҳилға чекмак,**
**билки, бу осон эмас,**
**Пиру истеъдоду тавфиқ**
**ўлмаса бўлмас бу иш,**
**Кимдурурким, бағри**
**ҳасратдин онинг қон эмас.**

Шарқ шеъриятида кўп ҳолларда кўнгил шахслантирилади. Шоир кўнгилга баъзан ўзига яқин ҳамдам, суҳбатдош, баъзан эса йўл кўрсатувчи раҳнамо сифатида мурожаат қилади. Кўнгилнинг бу мақомга эришуви унинг моҳиятан соф ва пок мазҳарлигидадир. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳам ушбу қитъада кўнгилнинг шу хусусиятига эътибор қилиб, уни суҳбатга чорлайди:

**Эй кўнгул, тан тахтасин бу**
**қаъри йўқ гирдобдин**
**Истасанг соҳилға чекмак,**
**билки, бу осон эмас.**

Гирдоб барча нарсани ўз домига тортади, унинг қаъри кўринмайди. Бу барчага аён ҳол. Хўш, шоир бу ҳодисани эътироф этиб нима демоқчи? Қитъада тилга олинган тан тахтаси — жисм, инсон вужуди, қаъри йўқ гирдоб эса дунё. Шунга кўра шоир инсоннинг дунё молига берилиши уни ҳалокатга етаклашини, ўзлигидан йироқлатиб, нафс «соҳил»лари сари олиб боришини ва ундан қутилиш ҳам осон бўлмаслигини назарда тутган. Бу тўғрида адиб Аҳмад Югнакий «Ҳиббат ул-ҳақойиқ» асарида:

**Боқип тош безакин кўруп**
**сен мунга**
**Кўнгул боғламоқ бил**
**хатолар боши,**

яъни дунёнинг кўркли, ташқи гўзалликларини кўриб, унга кўнгил қўймоқ сенга хатоларнинг бошланишидир, - деб ёзган.

Энди «тан тахтаси»ни «соҳилға чекмак» учун нима қилиш, тўғрироғи кимнинг ёрдамига таяниш керак? Бу тўғрида шоир:

**Пиру истеъдоду тавфиқ**
**ўлмаса бўлмас бу иш,**
**Кимдурурким, бағри**
**ҳасратдин онинг қон эмас, -**

дейди. Ҳа, инсон бирор мақсад билан маълум манзил томон қадам босар экан, аввало, шу манзилнинг охирига етган, йўлнинг паст-баландини кўрган ўзга кишига ўзини ҳожатманд билади. Бундай киши руҳий етукликка эришган, кўнглидан уқбо ғамини қувган, ўтар дунё ишларидан фориғ муршиди комилдир. Бунда фикр, албатта, бевосита сайри сулук билан боғлиқ равишда талқин этилган. Зеро, муршидлик мақомига кўтарилган кишигина соликни ҳақ йўлига бошлаб, унинг истеъдодини юзага чиқариши ва маърифат сирларидан тўлиқ огоҳ айлаши мумкиндир. Шунинг учун ҳам «гирдоб»дан қутулиш маънавий етук бўлган пирнинг ёрдамисиз асло амалга ошмас, чунки «Пири йўқнинг пири — шайтон» деб бежиз айтилмаган.

## «ПОК РАҲРАВЛАР БИЛА...»

**Пок раҳравлар била ҳар**
**кимки, бўлди мухталит,**
**Шак эмастурким, натижа**
**топмас асло поклик.**
**Ҳар неча бўлса ариғсиз чун**
**ариғлиғ су аро**
**Хилт бўлди, мумкин эрмас**
**қолмоғ ул нопоклик.**

Инсон табиатан кўп нарсага кўникувчан қилиб яратилган. Киши бир муҳитдан ўзга муҳитга тушиб қолганида аввалида бунга кўника олмайди, бора-бора эса мослашади. Энди у дастлабки муҳитдан эмас, кейингисидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади ва феълида ҳам ўша давранинг таъсири кўринади. Демак, инсон феъл-атворининг ўзгаришига унинг атрофидаги кишиларнинг ўрни катта аҳамият касб этар экан. Чунончи, халқ ҳам бежиз «Яхши билан юрдим — етдим муродга, ёмон билан юрдим — қолдим уятга», деб айтмаган.




Ҳазрат Навоий ҳам бу тўғрида:

**Пок раҳравлар била ҳар**
**кимки, бўлди мухталит,**
**Шак эмастурким, натижа**
**топмас асло поклик, -**

дейди. Яъни, ҳар ким пок кишилар билан бирга бўлса, уларнинг суҳбатидан баҳра олса, унинг покравлар таъсирига тушиши шубҳасиздир. Шу билан ўзи ҳам ёмон хулқлардан қутилиб, пок раҳравлар қаторига қўшилади. Бу ҳолни шоир кейинги байтда шундай мисол билан исботлайди:

**Ҳар неча бўлса ариғсиз чун**
**ариғлиғ су аро**
**Хилт бўлди, мумкин эрмас**
**қолмоғ ул нопоклик.**

Дарҳақиқат, чиркин нарса ҳам пок сув таъсирида тоза бўлади. Чунки, сув у нарсанинг кирини кетказади ва натижада у нопокликдан поклик даражасига ўтади. Шунинг учун ҳам киши ўз камоли йўлида яхшилар суҳбатидан баҳра олиб, уларнинг анжуманида ҳамдам бўлмоғи лозим.

## «ШАҲНИ ДОНОКИМ ҚУЁШ ДЕБТУР...»

**Шаҳни доноким қуёш дебтур,**
**анга будур далил**
**Ким, қуёш янглиғ эрур файзи**
**жаҳон аҳлиға ом.**
**Ойдин ансаб йўқ нима**
**хуршиддин файз олғали,**
**Кўрки, ул доғи эрур гоҳи**
**ҳилолу гаҳ тамом.**
**Бир кеча-кундузда даврон гаҳ**
**қоронғу, гаҳ ёруқ,**
**Чарх анинг бир даврасинда гоҳ**
**субҳу гоҳ шом.**
**Чун қуёшқа будурур ҳолат,**
**ажаб йўқ, шоҳ ҳам**
**Бўлса ўз тобиъларидин гаҳ**
**рамида, гоҳ ром.**

Мумтоз шеъриятимизда подшоҳ кўп ҳолларда қуёшга ўхшатилади. Бунинг ўзига хос асоси бор. Алишер Навоийнинг юқоридаги қитъаси бу ташбиҳнинг ёрқин далилидир. Қуёш — ёруғлик манбаи. Унинг нури барчага тенг ёғилади. Худди шунга ўхшаб адолатли, элпарвар шоҳ ҳам доно таърифлагандек қуёшга монанд «жаҳон аҳлиға» тенг файз улашмоғи лозим. Хўш, шоҳни Ойга қиёс этса бўлмайдими? Ахир, ой ҳам тунни мунаввар этиш қудратига эга-ку! Йўқ, шоир буни гўё инкор этиб дейди:

**Ойдин ансаб йўқ нима**
**хуршиддин файз олғали,**
**Кўрки, ул доғи эрур гоҳи**
**ҳилолу гаҳ тамом.**

Шоир шоҳ нисбатига қуёшдан ўзгани лойиқ ва муносиб кўрмайди. Бунга сабаб ойнинг «гоҳи ҳилол», гоҳ тўлиниши. Қуёшда эса бундай ўзгариш йўқ, у ҳар доим бир хилда туради. Шоир ҳақиқий шоҳнинг ҳам шундай бўлишини, ҳамма вақт адолат мезонини тенг тутишини истайди:

**Чун қуёшқа будурур ҳолат,**
**ажаб йўқ, шоҳ ҳам**
**Бўлса ўз тобиъларидин гаҳ**
**рамида, гоҳ ром.**

Одамзод ҳар доим ёруғликка интилиб, зулматдан қочган. Шоҳ ҳам салтанатини ўз адолати билан мунаввар этса, ҳамма унга томон юз буради ва Қуёшни ҳар куни соғиниб кутгандек, айни шу тарзда шоҳга томон талпинади.

**Насиба БОЗОРОВА,**
**Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспиранти.**

## *Жушқин ҳаёт нафаси*

### ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР

*Мамлакатимизда бир неча йиллардан буён «Акселс», «Британия Кенгаши», «Айрекс» каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилаётгани боис юзлаб иқтидорли ёшлар ривожланган хорижий мамлакатларда илм олиш имкониятига эга бўлмоқда.*

*Бу йил ҳам «Акселс» халқаро жамғармаси «Озодликни қўллаб-қувватлаш акти» дастурига биноан олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари талабалари орасида танлов ўтказмоқда. Ана шундай танловлардан бири Термизда бўлиб ўтди.*

*Танловда қатнашиш истагини билдирган жуда кўплаб ёшлар «Акселс» синовининг талабларини бажарди. Синовда Бойсун, Шеробод, Денов туманлари, Термиз ва Шарғун шаҳарларидан келган ёшлар фаол иштирок этди.*

### ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Фарғона механика заводида «ЎзДЭУавто» автомобилларидан ташқари «Жигули» русумли автомобиллар учун ҳам ғилдирак-дискалар ишлаб чиқарила бошлади. Россиянинг «Эксковатор» фирмаси буюртмаси асосида тайёрланаётган мазкур маҳсулотларнинг дастлабки намуналарига харидорлар юқори баҳо берди.

Келишувга кўра, россиялик буюртмачилар маҳсулот ишлаб чиқариш учун керакли хом ашёни етказиб беради. Завод йил давомида 1 миллион дона автомобил дискаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳамкорликнинг ушбу кўриниши корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, хорижга маҳсулот экспорт қилиш билан бирга, иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

**(ЎзА)**

## ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ДЕЙДИЛАРКИ...

*Саримсоқ хомлигича ейилса, ошқозон куртини ўлдиради.*

***

*Асалга омухта қилинган турп уруғи ошқозон касалликларига кор қилади.*

***

*Атиргул мойига омухта қилинган исириқдан муайян миқдорда ичган киши ошқозон куртларидан халос бўлади.*

***

*Агар киши кўнгил айнишидан қийналса, аввалдан шакар сепиб қўйилган ялпиз баргини есин. Ялпиз истеъмол этиш танани балғамдан фориғ қилади.*

***

*Овқатга тоғ ялпизини кўп ишлатадиган одамнинг ошқозони бақувват, ўзи кучли бўлади, ҳеч қачон зардага учрамайди. «Ҳаром қон» кўпайиши, деган дарддан қийналмайди.*

***

*Наҳорда оч қоринга озгина исириқ ейдиган ҳар бир киши жигар хасталиклари, истисқо, ичак яллиғланиши, қорин дамлаш, балғам ва бавосилдан фориғ юради.*

***

*Кишининг ичи кетса, товуқ гўштини қайнатиб, тузлаб тановул қилсин.*

***

*Агар кишининг ич кетиши қора ёки сариқ ёхуд ахлати қуруқ бўлса, беш дона ёнғоқ мағзини эчки сутида қайнатиб истеъмол қилсин.*

***

*Кимки, наҳорда қайнаган исириқ тановул қилса, қорин оғриғига даво топади.*

***

*Агар кишида қабзият бўлса, карафс (сельдерей) уруғидан тановул қилсин.*

***

*Исириқ қовурмаси юрак хасталикларига фойдалидир.*

***

*Юраги хаста кишиларга исириқни туйиб, майда элакдан ўтказиб, кунжут мой қўшиб ҳар куни уч мисқолдан тановул этиш тавсия қилинади.*

***

*Агар қонингиз меъёрга тушишини истасангиз, хурмо, олча ва гулобдан шарбат қилинг, уч кун ҳар наҳор оч қоринга ичинг.*

***

*Бош оғриғи, бўйин сирқираши, оғиз қуриши, юз заъфаронлиги, соч тўкилиши, оғиз ачиши, қўл-оёққа титроқ тушиши, кўз ўнгини туман босиши, ошқозон бадҳазмлиги — савдодандир.*

***

*Анжир еган киши балғамдан халос бўлади.*

***

**Жавоҳирлар сандиғи**

*Киши танасида ҳўллик устун келса, исириқ ва седана уруғини туйиб, унга бирор ширинлик қўшсин, кейин ҳаммомга кириб, шу дориворни иссиқ баданига сурсин.*

***

*Кўкйўталга йўлиққан киши новвот, қизил атиргул гулбарги, бодом мағзи ва кашнични бўтқадай ийлаб, овқатга ишлатсин. Агар нафас нотекис бўлиб, кўкракдан хириллаш эшитилса, қора қўй думбаси ва пиёздан шўрва қилиб, уч кун ичиш лозим.*

***

*Йўтал, қорин оғриши ёки дам бўлишидан қийналган киши икки ярим мисқол занжабил, беш мисқол майиз, бир мисқол арпабодиёндан қайнатма қилиб ичсин.*

***

*Кўкйўталга қўй қорачиғини қайнатиб, қуритиб, кейин уни шакар билан бирга истеъмол қилиш фойда беради.*

***

*Киши шамоллаб, қаттиқ йўталса, эрталаблари тоифи майизини бинафша ёғида қовуриб ейиши лозим.*

***

*Сурункали йўталга қайнатилган турп ейиш фойда беради.*

## *Жума ўгитлари*

**Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ**

# КЎЗНИНГ ОДОБИ

Агар кўзнинг одоби нечта, деб сўрасалар, иккита, деб айт. Биринчидан, кўзни тўрт нарсани кўришдан сақлаш керак. Иккинчидан, тўрт нарсани кўришга кўзни очиш керак. Агар кўз кўриши лозим бўлган тўрт нарса нима, деб сўрасалар, айтгил: йўлни кўриб, қадамни қўйишни мулоҳаза қилиш учун аввал йўлга қараш керак. Иккинчидан, ер ва осмонга қараш керак... Учинчидан, ибратли нарсаларга кўзни очиб қараш керак, токи фойдали сабоқ бўлсин...

Агар кўзни беркитиш зарур бўлган нарсалар қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, кўзни номаҳрамни кўришдан манъ этмоқ керак. Чунки номаҳрамга назар шундай бир заҳарли ўқки, у қайси дилга бориб тегса, уни шайтон заҳри билан заҳарлайди ва хароб этади. Иккинчидан, кўзни шаҳват қўзғовчи суратлардан асраш керак, аммо агар биров поклик юзасидан бошқа бировга ва ё яхши суратга қараса, бунда ҳеч зиён йўқдир...

Учинчидан, кўзни ўзгалар айбини кўришдан асраш керак, зеро, бировлардан айб излаш энг ёмон хислатдир:

**Ўзгалар айбига**
**боқма, ўзингга боқ,**
**Кўзни ёқага беркит,**
**дил шамъини ёқ.**

Тўртинчидан, кўзни бировга ҳақорат назари билан қарашдан асрагил. Ўзгаларни камситиш, мазах қилиш, ожизлар устидан кулишдан сақлан. Чунки ҳеч ким нуқсондан холи эмас.

**Форс-тожик тилидан Н.КОМИЛОВ таржимаси.**

# ТАРҒИБОТ ГУРУҲИ ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

***Тошкент вилояти ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши вакилларидан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳи шу кунларда пахтакорлар ҳузурида тез-тез меҳмон бўлмоқдалар.***

***Гуруҳ яқинда Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» жамоа хўжалигининг Иброҳим Худойберганов бошлиқ бригадасида меҳнат қилаётган пахтакорлар ҳузурида бўлди. Теримчиларга яратилган шарт-шароитлар, дала шийпонларининг аҳволи, иш ҳақининг ўз вақтида берилиши ва уларга кўрсатилаётган маданий-маиший хизмат билан танишилди. Гуруҳ таркибидаги «Маънавият ва маърифат» маркази вакиллари пахтакорларга дунёда ҳамда республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бўлаётган воқеалар хусусида сўзлаб бердилар.***

***Учрашув сўнгида дала меҳнаткашларига Комилжон Отаниёзов номидаги «Лазги» дастасининг хонанда ва созандалари, таниқли санъаткорлардан Ўзбекистон халқ артисти Гулсара Ёқубова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Отамурод Бекчонов, Феруза Солиҳовалар ўз чиқишлари билан завқ бағишладилар.***

***Тарғибот-ташвиқот гуруҳининг меҳнаткашлар билан учрашувлари бошқа туманларда ҳам давом этмоқда.***

*Нурали ЖАЛИЛОВ.*

## *Андижон янгиликлари*

### ИШБИЛАРМОН ЖАМОА

Бозор иқтисодиёти даврининг муаммолари болалар боғчаларини ҳам четлаб ўтмади. Ишбилармон тарбиячилардан таркиб топган жамоалар бу қийинчиликни енгиб ўтишнинг ибратли чора-тадбирларини амалга оширишмоқда.

Пахтаобод туманидаги 24-боғча меҳнат жамоаси «Маданият» агрофирмасидан шартнома бўйича олган 4 гектар ерда мевали боғ барпо қилиб, сабзавот ҳам етиштирмоқда, «Навбаҳор» ширкат хўжалигидан олинган 5 гектар ер эса пахта ва ғалла етиштиришга ажратилган.

Меҳнатсевар жамоа тадбиркорлик билан иш тутиб, ердан мўл ҳосил, охир-оқибат эса дурустгина даромад олаётир. Шу даромад эвазига боғча газлаштирилди, болаларга бериладиган мева ҳамда сабзавот маҳсулотлари текинга тушяпти. Шунингдек, сигир сотиб олинди, новвойхона қурилди. Яқинда эса жамоа мазкур боғчада тарбияланаётган болалар учун тўланадиган бадал пулини 50 фоизгача қисқартирди. Кам таъминланган оилалар эса бадал пули тўлашдан бутунлай озод қилинди.

### ШАХМАТ КЛУБИДА

Андижонда кўзи ожизлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича биринчилик ўтказилди. Вилоят шахмат-шашка клубида уюштирилган бу қизиқарли баҳсда қирққа яқин ҳаваскорлар иштирок этишди.

Мусобақа ногиронлар орасида ҳам ажойиб спортчилар борлигини намоён қилди. Булоқбоши тумани вакили Равшанбек Алимов шахматда барча рақибларини енгиб, 1-ўринни олган бўлса, шашка бўйича Андижон ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ишчиси Тўйчибой Солиев бош соврин эгаси бўлди. Мусобақа қатнашчиларини Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Марказий бошқаруви ташкилий бўлими мудири Ҳусанбой Ғиёсов табриклаб, ҳомийлик қилганлари учун вилоят спорт қўмитаси ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгашига миннатдорчилик билдирди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

### УНУТИЛМАС КУН

Илгари тўйларимизда от пойгаси, улоқ, кураш сингари оммавий ўйинлар ўтказиларди. Андижон шаҳридаги Бобур номли турар-жой қурилиши кооперативининг бошлиғи Икромжон Турсунов бу қадимий удумимизга янгича шакл бериш мақсадида ўғлининг суннат тўйида шаҳар теннис кортида турнир ташкил этди.

«Андижон» ва «Авесто» теннис клублари ёрдами билан уюштирилган бу мусобақада тўйга ташриф буюрган меҳмонлар жуфт-жуфт бўлиб ўзаро беллашдилар. Ҳамма ҳавас қилган бу турнирда Суръатбек Қаҳҳоров (спортчи) ва Эркин Жумабоев (олим) жуфтлиги ғолиб бўлиб, тўй соҳибининг бош совринини қўлга киритдилар.

**М. АБДУКАРИМОВ.**

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

***Сариосиё ва Узун воқеаларидан сўнг тоғли ҳудудлардан кўчириб келинган аҳолининг кам таъминланган, кўп болали, эҳтиёжманд қисмига мунтазам равишда инсонпарварлик ёрдами, меҳр-мурувват кўрсатиб келинмоқда.***

***«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг 2 миллион 690 минг 400 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, санитария-гигиена воситалари, хўжалик истеъмол моллари, дори-дармонлар ортилган поезди Сариосиёга ана шундай хайрли мақсадда кириб келди. Муруввватпарварлар келтирилган юкни тарқатиш билан бирга, 140 оилани тиббий кўрикдан ўтказди.***

*Талабингизга биноан учрашув*

# РАҚС СЕҲРИ

***Айтишларича, 60-70-йиллар унинг санъатига лол қолмаган томошабиннинг ўзи бўлмаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, қатор халқаро фестиваллар совриндори Севиля Тангуриева билан суҳбатлашар эканман, у босиб ўтган санъат йўли кўз ўнгимизда бир-бир намоён бўлади.***

**— Севиля опа, рақс оламининг сеҳри ўзгача. Буни ўзингиз қандай ифода этасиз?**

— Тақдир тақозоси бу. Асли асакаликман. 1948 йил 11 яшар қизалоқ эканимда шаҳримизда болалар ўртасида санъат фестивали ўтказилди. Мен ҳам ўз қўшиқ ва рақсим билан иштирок этиб, ўзим ҳам кутмаган ҳолда ғолиба бўлдим ва Тошкентга республика миқёсидаги фестивалга йўлланма олдим. Пойтахтда умрим мазмунини белгилаган учрашув юз берди. Тамарахоним номли Хореография билим юртининг биринчи бадиий раҳбари Зинаида Николаевна Афанасьеванинг назарига тушдим. Шу йилиёқ билим юртига қабул қилишди. Раҳматлик устозим Мукаррама Турғунбоева мен учун «Жонон» деган рақсни саҳнага қўйдилар. Ҳашаматли саройда уни ижро этганим ҳамон эсимда. Таниқли рақс усталари Ваганова, Уланова, Плисецкая, Мэсерерларни ҳам шу кўрик баҳонасида биринчи марта кўрганман... Кўрик-танловда ғолиб чиққанимдан сўнг, ҳатто Москвада ўқишга олиб қолишмоқчи бўлишган ҳам эди. Бироқ, Мукаррама опам «Бу масалани бир ўзим ҳал қила олмайман», деб мени Тошкентга олиб қайтганлар.

**— Сиз рақс билим юртини битириб Навоий номли опера ва балет театрида узоқ йил етакчи раққоса сифатида фаолият кўрсатгансиз. Ижодингиз илк палласидаёқ нуфузли спектаклларда бош партияларни ижро этгансиз.**

— Бунга театрдаги ижодий муҳит сабаб, деб ўйлайман. Театримизда ёшларни алоҳида авайлаб, қадрлардилар. Шунинг учун бўлса керак, 1956 йил театр остонасини хатлаб ўтишим билан менга «Шурале» спектаклида бош рол — Шурале қушча партиясини беришди. Устозларим қаторига Галия Измайлова қўшилдилар. Опа саҳна сирларини, айтарли ўзларининг барча рақсларини менга



ўргатдилар. Бўлмасам ҳали у вақтда ўзларининг ижодлари гуллаган пайти... «Исмиралда», «Оққуш кўли», «Дон Кихот», «Дон Жуан», «Жизель», «Бахт қирғоғи», «Фауст»... Уларнинг ҳар бири алоҳида тарихга, хотираларга эга.

Улуғ инсонлар сабоғини олганман. Электр бўлмаган жойларда трактор чироғи шуъласида устозларим Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Ҳалима Носировалар билан концерт берганимдан фахрланаман. Театрда турмуш ўртоғим Ражаб Тангуриев, ажойиб балерина Бернора Қориева билан ижро этган ҳар бир саҳна рақсим мен учун қадрли.

**— Комилжон Отаниёзов ҳақида алоҳида меҳр, ғурур билан гапиришингизнинг боиси нимада?**

— Ҳамза театрида катта концерт бўлаётган эди. Унда Комилжон ака ҳам иштирок этаётган эканлар. Улар анчадан бери «Бир гўзал бор» қўшиқлари учун раққоса қидириб юрган эканлар. Мени тавсия этишибди. Рақсимни томоша қилиб, мени маъқул топибдилар шекилли, бизни учраштиришди. Лекин мени юзма-юз кўриб «Жуда ориқ-ку. Бизнинг Хоразм аёллари барваста, савлатли бўладилар-да», дедилар. Балерина эканимни уларга тушунтиришаётган эди, «Ўзи қандай қўшиқ? Хиргойи қилиб беринг» дедим. Ширали қўшиқ тарала бошлади, мен йўл-йўлакай рақсга тушдим. Комилжон акага ёқди. Телестудияда қўшиқ ва рақсни ёзиб олишди. Лекин менга рақсим тасвирий жиҳатдан ёқмади. Режиссёрга эътирозимни билдирдим. Сал вақт ўтмай режиссёр мен айтгандай очиқ ҳавода рақсни суратга олишга рози бўлди.

Хасти имом масжиднинг катта нақшинкор эшиги очилиб, мен чиқиб келиб, рақсни ижро этаман. Рақс сўнгида ғойиб бўламан. Бу рақсим телевизор орқали тез-тез намойиш этилади.

**— Бугунги кунда ўзингиз ҳам рақсдан сабоқ берасиз. Рақс ижроси ўзи бир дунё, устозлик қилиш яна бир санъат.**

— Тўғри. Саҳнанинг ўз сир-синоати бўлганидек, устозликнинг ўз машаққати бор. Тошкентдаги Хореография билим юртида дарс бердим. Ҳозирда Маннон Уйғур номли Санъат институтида драматик актёрларга рақсдан сабоқ бераман. Яна такрор айтаман, билганингни ўргатиш учун ҳам ўқиш керак.

**— Мутахассис, ижодкор сифатида бугунги ўзбек рақс санъати ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни билишни истардик.**

— Чин маънодаги санъат оммавий бўлишини инкор қилмаган ҳолда, соф рақс санъати мумтоз рақс (балет)дан қувват олиши керак деб ўйлайман. Яқинда Тошкентга келган хориж балетини кўриб ўйланиб қолдим. Жисмоний машқлар мажмуи. Ҳақиқий рақс бу аввало иқтидор, хореографик билимдир. Раққос ёки раққоса саҳнада яратган образ сўзсиз тушунарли бўлиши керак, қалбга етиб бориб, қалб торларини чертиб томошабинни ички куйда сел қилиши керак.

Қизлархон Дўстмуҳамедова, Дилафрўз Жабборованинг рақсларида ана шундай қалб уйғоқлигини ҳис қиламан. Рушана Султонованинг кейинги йиллардаги ижоди мени айниқса қувонтиради.

**Суҳбатдош:
Иродахон
НАРИМОНОВА.**





XVI асрнинг энг гўзал меъморчилик обидаси ҳисобланган Чор-бакир мажмуаси ўзига хос услубда бунёд этилган. Мажмуа таркибига кирувчи масжид, хонақоҳ, ҳужралар, гумбазу минораларда ота-боболаримизнинг қўли гуллиги яққол акс этиб турибди.

Йиллар ўтган сайин емирилиб, таъмирталаб бўлиб қолган Чор-бакир мажмуаси деворлари сирланиб, ҳовли ва йўлакларга қайта тош ётқизилаётир.

**Суратларда: 1.Қўли гул уста Исмат Ашуров. 2. Чор-бакир мажмуаси.**

Амаллар уч хил бўлади: натижаси яхшилик билан тугайдиган амал— унга эргаш, охири вой бўладиган амал— ундан қоч, натижаси шубҳали амал— унда маслаҳат ол.

## ҲИКМАТЛАР

Бахт мисоли капалак; унинг ортидан қувсанг, у сендан узоқлашади, агар унга эътибор бермай ишингни қилаверсанг, ўзи келиб елкангга қўнади.

* * *

Қалбингизни уч ўриндан изланг: Қуръон эшитган пайтда, зикр мажлисида, ёлғиз қолганда.

* * *

Фарзанд ота-онасини уч нарса билан хурсанд қилиши мумкин: баркамол (солиҳ) инсон бўлиши, уларнинг яқинлари ва дўстлари билан боғланиб туриши, ота-она учун дуо қилиши, садақа бериши.

* * *

Ғазаб ақлни, ҳасад иймонни, таъма ҳаёни, ғийбат солиҳ амални кетказади.

* * *

Аҳмоқнинг аломати тўрттадир: гуноҳларини унутади, яхшилигини зикр қилади, мол-дунёга ўзидан юқорига қарайди, дини-диёнатда қуйига боқади.

*Янги рукн: Бир шингил*

**Соддадиллигу кўнгли очиқликда ўзимизнинг ўзбеклар ҳам баъзида габроволиклардан қолишмайди. Инчунун, қизиқ воқеалар, кулгили ҳолатлар ўзимизда ҳам истаганча топилади. Ҳамма гап уларни қаламга тушириб, эгаларига ўқиб беришда қолган. Шуни назарда тутиб, кулгисевар муштарийларимизга одми одамларнинг самимий кулгуга йўғрилган ҳаётий ҳангомаларидан оз-оз ҳадя этиш мақсадида газетамизда янги рукн очдик. Ўйлаймизки, кулиб ва кулдириб яшашни яхши кўрадиган газетхонларимиз бизга ўзлари гувоҳи бўлган ёхуд эшитган алмойи-жалмойи воқеалардан бир шингил ёзиб юборадилар.**

## ҲАЙЪАТ

Қишлоқ шундай жойки, ундаги ҳар бир янгилик яшин тезлигида тарқалади. Мабодо, бирор кулгили ҳолатга тушиб қолсангиз, бир эмас, ўн йилда ҳам қутулиб кетишингиз қийин. Йўқса, оламдан ўтганига нақ ярим аср бўлган Азим бобони ҳанузгача гапириб юришармиди? Ўзиям, Азим бобо соддаликда шоҳсупани ҳеч кимга бермайдиган одамлар хилидан бўлган экан-да...

Соқоли тиззасига тушадиган чолларнинг айтишича, колхозлар тузилаётган йиллар экан. Даврон дудуқ уйма-уй юриб, одамларни эски мактаб ҳовлисига йиғибди. Издиҳом рўпарасидаги столга мук тушган чармкамзулли ёнида ўтирган катталардан бирига шипшибди. У ўз навбатида бошқасига. Битгаси келиб соқоли кўксини безаган, алп қоматли Азим бобонинг тирсагидан олиб саҳнага бошлабди. Чармкамзулли сал силжиб, унга илтифот кўрсатибди.

Тумандан келган катталар бири олиб, бири қўйиб, колхозни мақтаб, якка хўжаликни ёмонлашибди. Ҳаммани ёппасига колхозга киришга даъват қилишибди. Охирида чармкамзулли виқор билан ўрнидан туриб, йиғилганларга юзланибди:

— Мана, ўртоқлар, колхознинг нима эканлигини ўзингиз кўриб турибсиз. Қишлоқнинг оддий темирчиси Азим бобо бугун ҳайъатда ўтирибди. У ўрнак сифатида колхозга биринчи бўлиб ёзилади.

Чармкамзулли гапини тугатар-тугатмас, тўрдагилар бошлаб берган қарсаквозлик нақ ярим соат давом этибди. Мажлисдан кейин ҳамма Азим бобони ҳайъат бўлгани билан табриклабди.

Кеч тушганда уйига ҳорғин қайтган Азим бобо ёстиққа ёнбошлаганича хотинини чақирибди:

— Энди хотин, сенга жавр бўладиган бўлди. Бир этак бола ўзингга қолди. Устахонани ҳам топширдим, - ҳайратданми ё эрининг гапларига тушунмайми, сўзсиз қотган хотинига беписанд қараб давом этибди. - Мен бугундан бошлаб ҳайъат бўлдим. Энди қайда мажлис бўлса, бориб тўрда ўтиришим керак.

Аммо қанча йиғин бўлмасин, ҳеч ким Азим бобони эсламабди. Фақат шошиб устахонани топширгани-ю, хотинига айтган гапи билан одамларга кулгу бўлгани қолибди.

## КЎНГИЛ СЎРАШ

Қоровул қишлоғида қатъий амал қиладиган бир одат бор. Қайнона ҳаёт экан, келин бирон маъракага бора олмайди. Буни қарангки, Шарофат опа қочиб кетганда, қишлоқда момомиз бўлмаганлар. Ўзи одамлар бунақа ҳодисани биринчи кўриши. Устига-устак, уйда қайнона йўқ. Ноилож қолган онамиз кўнгил сўраш учун қўшнисикига йўл олганлар.

Борсалар, тумонат одам, ҳаммаёқ қийчув. Қариндошлар дод солиб йиғлашган. Ўзини йўқотиб қўйган онамиз нима дейишини билмай, довдираб тураверибди. Ахир, келин бўлиб бирон маъракага бормаган, умрида қиз боланинг қочиб кетганини эшитмаган одам нима ҳам десин.

Охири, ҳеч бўлмагач, онамиз сочларини юлиб йиғлаётган онаизорнинг енгидан секин тортиб, юпатиш учун бир-икки сўз қотибдилар:

— Қўйинг, опа, бандачилик-да...

Шундай ҳам юраги куйган, аламини кимдан олишни билмаётган Хосият хола онамизни шундай қувиб солибдиларки, сичқоннинг ини минг танга бўлибди.

**Темир ҚУРБОН.**

## АЛПОМИШ ЎЙИНЛАРИ

***12-14 октябр кунлари Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Фарғона тумани Ёшларобод қишлоғидаги «Водил» ўйингоҳида иккинчи республика «Алпомиш ўйинлари» фестивали ўтказилади. Унда 6 та миллий спорт тури ва 4 та халқ ўйинлари бўйича куч синашилади.***

— Маълумки, «Алпомиш ўйинлари» бундан икки йил бурун Сурхондарё вилоятида илк бор ўтказилган эди. Фестивални анъанавий тарзда ўтказиш ҳақидаги ҳукуматимиз қарорини бажариш ва «Соғлом авлод йили» муносабати билан уюштирилаётган бу тадбиримиз ҳам миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини янада ривожлантириш, уларни кенг тарғиб қилиш, соғлом авлодни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш ишига йўналтирилган, — деди ташкилий қўмита аъзоси Абдухалил Маликов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Анъанага мувофиқ, ўнта спорт тури бўйича баҳслар уч босқисда ўтказилаётир. Туманлар ва вилоятлар миқёсида биринчи, иккинчи босқич беллашувлари бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мусобақалари ғолиблари якуний босқич баҳсларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди. Улар миллий спорт турларидан белбоғли кураш, ўзбек кураши, турон яккакураши, камондан ўқ отиш, тош кўтариш, армрестлинг (қўлда куч синашиш) ва «Тортишмочоқ», «Минди», «Бўрон», «Елкада кураш» каби халқ ўйинларида иштирок этишмоқда. Бироқ халқимиз миллий ўйинларга бой. Фестивал дастуридаги ўйинларнинг халқ ўртасида оммабоплиги ўсган сари, бошқа севимли ўйинларимиз ҳам мусобақа баҳслари таркибини бойитиб боради, деб ўйлайман.

Фестивални халқаро миқёсда ўтказиш ниятимиз ҳам бор. Бунинг учун ҳозирда мутахассисларимиз томонидан хориж мамлакатлари халқларининг миллий ўйинларимизга ўхшаш турдаги ўйинларини кузатиш, таҳлил қилиш ишлари олиб борилмоқда. Ўйлаймизки, ушбу саъй-ҳаракатлар натижа бериб, яқин келажакда бошқа халқлар билан ҳамкорликда мусобақалар ташкил қиламиз.

«Водил» ўйингоҳида бўлажак беллашувларда 15 ёшли қиз ва йигитлардан тортиб, 50 ёшгача бўлган эркак ва аёллар қатнашадилар. Оилавий жамоалар иштирокига ҳам рухсат этилади. Ғолиб ва совриндорлар мусобақа ташкилотчилари таъсис этган мукофотлардан ташқари, Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Соғлом авлод» жамғармаси, «Экосан» халқаро жамғармаси, Миллий спорт турлари маркази каби ҳомий ташкилотларнинг ҳам совғаларига эга бўлишади.

*Футбол*

# БИР ЧЕТИ ОМАДГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон - чемпион! Ҳа, барчани ҳайратга солиб юртдошларимиз ана шу шарафга мушарраф бўлдилар. Ваҳоланки, биз дил тубига яширинган орзуларимизни ошкор этишга қанчалар ийманган эдик-а...

Бу ҳозирча ашаддий бир мухлиснинг ширин хаёллари. Лекин орзу энг охири ўлади, деган гап бежиз айтилмаган. Бир эслаб кўрайлик-а: 1994 йил. Хиросима. Осиё ўйинлари. Қандай ажойиб ўйин намойиш этишганди ўшанда йигитларимиз! Азамат Абдураимовнинг 40-45 метрлар чамаси йироқдан туриб Қурия дарвозасини ишғол қилганини, Миржалол Қосимовнинг узукка кўз солгандек заргарона тўп оширишларини, Сергей Лебедовнинг кучли зарбалари-ю Игорь Шквириннинг парвозини унутиб бўларканми, ахир!

Орадан олти йил ўтди. Чарм тўп усталаримиз ёрқин ғалабаларни соғиниб қолган футбол шинавандалари юрагини умид учқунлари ила яна ёритсалар нима қипти?! Осиё кубоги баҳсларида қатнашиш учун Ливанга йўл олган терма жамоамиз таркибини яна бир бор кўздан кечирар эканмиз, беихтиёр хаёллар сароб эмаслигига, озгина йиғинчоқлик кўрсатилса, матонат билан маҳорат уйғунлигига эришилса, ва пича омад келса, не ажаб, чемпионлик ҳам баъзилар ўйлаганчалик жуда олисларда эмасдек туюлади.

Мана улар:

**Дарвозабонлар** - Павел Бугало («Алания»), Георгий Забиров («Нефтчи»), Наримон Осмонов («Темирйўлчи»).

**Ҳимоячилар** - Бахтиёр Ашурматов, Февзи Давлетов («Дўстлик»), Андрей Фёдоров («Рубин»), Сергей Лушан («Ростсельмаш»), Даврон Файзиев (ЦСКА), Абдумажид Тоиров («Нефтчи»).

**Ярим ҳимоячилар** - Шуҳрат Раҳмонқулов («Навбаҳор»), Миржалол Қосимов («Кр.Советов»), Александр Хвостунов («Трактор»), Неъматулло Қуттибоев («Турон»), Отабек Шомуродов («Нефтчи»), Мухтор Қурбонов («Дўстлик»), Сергей Лебедов («Насаф»), Николай Ширшов, Андрей Акопянц («Ростсельмаш»).

**Ҳужумчилар** - Максим Шацких («Динамо» Киев), Игорь Шквирин («Пахтакор»), Рустам Дўрмонов, Умид Исоқов («Нефтчи»).

Албатта, бошқа мамлакатлар терма жамоаларидан ҳам ўз мухлислари фақат ғалабалар кутаётгани шубҳасиз. Бу табиий. Лекин башоратлар ўз йўлига, ҳаммаси майдонда ҳал бўлади. Мутахассислар ва футбол билимдонлари томонидан ҳавола этилажак бошқотирмаю топишмоқлар ҳадемай ўз ечимини топади. Ўшанда кўрамиз кимнинг кимлигини. Қилни қирқ ёрадиган футбол фолбинларининг таъбирича «ўлим» гуруҳи дея таъриф қилинган «С» гуруҳидан бўлажак чемпион чиқиши агар рост бўлса, демакки, яна бизнинг омадимиз чопгани. Чунки айнан шу гуруҳда Ўзбекистон терма жамоаси ўз шаън-шавкати учун кураш олиб боради.

Келинг, ҳис-ҳаяжонларимизни бугун-эрта бошланажак баҳсларга сақлайлик-да, ой охиригача давом этадиган асримизнинг энг сўнгги йирик турнири тақвимини эътиборингизга ҳавола этайлик. Шундай қилиб:

**XII Осиё чемпионати ўйинлар жадвали**

**«А» гуруҳи**

**Ливан, Эрон, Ироқ, Таиланд**

*12 октябр Ироқ - Таиланд*
*12 октябр Ливан-Эрон*
*15 октябр Эрон- Таиланд*
*15 октябр Ливан - Ироқ*
*17 октябр Эрон-Ироқ*
*17 октябр Ливан - Таиланд*

**«В» гуруҳи**

**Жанубий Қурия, Хитой, Қувайт, Индонезия**

*13 октябр Ж.Қурия - Хитой*
*13 октябр Қувайт - Индонезия*
*16 октябр Хитой - Индонезия*
*16 октябр Ж.Қурия - Қувайт*
*19 октябр Хитой-Қувайт*
*19 октябр Ж.Қурия-Индонезия*

**«С» гуруҳи**

**Саудия Арабистони, Япония, Катар, Ўзбекистон**

*14 октябр С.Арабистони - Япония*
*14 октябр Катар - Ўзбекистон*
*17 октябр Япония-Ўзбекистон*
*17 октябр С.Арабистони - Катар*
*20 октябр С.Арабистони - Ўзбекистон*
*20 октябр Япония - Катар*

**Чорак финаллар**

№1. 23 октябр А (1) - 3 (В ёки С)
№2. 23 октябр В (1) - 3 (А ёки С)
№3. 24 октябр С (1) - А (2)
№4. 24 октябр В (2) - С (2)

**Ярим финаллар**

26 октябр № 1- №4
26 октябр № 2 - №3

**Финал ва 3-ўрин учун**

29 октябр.

**Омад сенга ёр бўлсин, Ўзбекистон!**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г— 924. 1 2 3 4 5 6